



КОРХОНАНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ

Якубов Улугбек Касимович

Тошкент молия институти

“Иқтисодий таҳлил” кафедраси профессори

Иқтисод фанлари номзоди, профессор

Электрон манзил: ulugbekyak@mail.ru

Телефон рақами: (98) 117-24-36

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7835007>

ARTICLE INFO

Received: 06th April 2023

Accepted: 16th April 2023

Online: 17th April 2023

KEY WORDS

Сафдо; инвестиция;
ҳамкорлик; субъект; молия;
эксперт; кўрсаткич; баҳо;
таҳлил.

ABSTRACT

Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектнинг ташқи иқтисодий фаолиятини комплекс таҳлиliga эътибор қаратилган. Комплекс таҳлилga ташқи иқтисодий фаолият тушунчасига эътибор қаратилиб, қонунчиликда ва адабиётларда қайд этилган назарий қарашлардан келиб чиқиб ёндошилган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг комплекс таҳлилини ўзига хос жиҳатлари ва устунликлари кўрсатилган. Таҳлил натижаларига асосланган хулосалар – ташқи иқтисодий фаолиятнинг йўналишларидан келиб чиқиб умумлаштирилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ги ПФ-4947-сон ПФ-60-сон Фармонида:

1. Ташқи савдо доирасида:

1.1. Ҳамкорлар билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш;

1.2. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

2. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик борасида:

2.1. Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш;

2.2. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш.

3. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш масаласида:



3.1. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш;

3.2. Йирик корхоналарни фонд биржаси орқали хусусийлаштириш.


4. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолиятлари доирасида:

4.1. Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш;

4.2. Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш қатор вазифалар белгиланган.

Белгиланган вазифалар доирасида “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг ташқи савдо фаолияти ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий, 66 фоизи ички, 34 фоизи ташқи бозорларда реализация қилинади. Асосан Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тоджикистон, Туркменистон, Туркия, Беларусия, Эстония давлатларига маҳсулотларини етказиб беради (1-расм).

“O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг ташқи савдо фаолиятида экспорт ҳажми 2021 йилда 1028,5 млрд. сўми, импорт 357,6 млрд. сўми ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 670,9 (1028,5-357,6) млрд. сўм ижобий сальдога эга. Акциядорлик жамияти асосан импорт маҳсулотларини қисқартириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга эътибор қаратган.





1-расм. “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг ташқи савдо фаолияти тўғрисида маълумот.¹

Мамлакатда ташқи иқтисодий фаолият доирасида халқаро ҳамкорликка эътибор қаратилмоқда. “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг Оҳангарон туманидаги саноат ҳудудида жойлашган “LI DA METAL TECHNOLOGY” масъулияти чекланган хорижий қўшма корхона, Германиянинг KÖPPER, Туркиянинг “Ronesans Holding”, Жанубий Кореянинг “Posco Daewoo Corporation” каби компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши натижасида 2017-2021 йиллар давомида:

1. Металпрокат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1010 минг тоннани ташкил этиб, 2017 йилга нисатдан 1,4 баробар кўп бўлган;
2. Соф тушум 5299 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисатдан 2,9 баробарга ўсган;
3. Соф фойда 220 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисатдан 3,1 баробар ортган;
4. Бюджетга тўловлар 568 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисатдан 2,7 баробар кўпайган;
5. Экспорт ҳажми 202 млн. Долларни ташкил этиб, 2017 йилга нисатдан 1,7 баробар ўсган.

Таъкидлаш керакки, назарий жиҳатдан ташқи савдо баланси дефицити иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф оқими билан боғлиқ бўлса, бу ташқи қарздорликнинг ошишига олиб келмайди. Қолаверса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар замонавий технологиялар, трансмиллий корпорацияларнинг савдо каналларига йўл очади. Натижада, дунёга машҳур брендлардан фойдаланиш ва бошқа шу каби имкониятларни тақдим этади. Шу сабабдан, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлган ташқи савдо дефицити макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг ижобий омили ҳисобланади.

“O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг 2022-2026 йилларда инвестицион фаолиятини ривожланиш концепсиясида маҳсулот ишлаб чиқаришга ва импортнинг қисқартирилишига эътибор қаратилган (1жадвал).

¹ “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акционерлик жамиятининг сайтидаги маълумотлари асосида тузилган.



1-жадвал. “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг инвестицион фаолияти, млн. евро ҳисобида	
Капитал харажатлар бўйича	561.5
Danieli & C. Officine Meccaniche SpA (Италия)	121.7
Danieli Germany GmbH (Германия)	111.0
Danieli Volga (Россия)	44.0
Danieli Construction International S.p.A (Италия)	45.2
Renaissance Heavy Industries (Россия)	196.9
Бошқа шартномалар	42.5
Ҳамкорлик доирасидаги бошқа харажатлар:	94.7
Дастлабки оборот активлар	21.9
Фоиз ва комиссия тўловлар	63.7
ЖАМИ	656.2

“O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг 2022-2026 йилларда 656,2 млн. евро миқоридаги инвестицияларни жалб этиш ҳисобига:

1. Металпрокат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2454 минг тоннага ошириш ҳисобига, кўрсаткични 2021 йилга нисатдан 2,4 баробар кўпайтириш;
2. Соф тушумни 20706 млрд. сўмга ошириб, кўрсаткични 2021 йилга нисатдан 3,9 баробарга ошириш;
3. Соф фойдани 2083 млрд. сўмга кўпайтириш ҳисобига, кўрсаткични 2021 йилга нисатдан 9,5 баробар ўсишига эришиш;
4. Бюджетга тўловларни 776 млрд. сўм даражасига етказиб, кўрсаткични 2021 йилга нисатдан 1,4 баробарга кўпайтириш;
5. Экспорт ҳажмини 102 млн. долларга етказиш режалаштирилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ: - “ташқи иқтисодий фаолият: ташқи савдо; халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик; чет эл инвестицияларини жалб қилиш; Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестицион фаолият йўналишларидан иборат” [1].

Таҳлил натижаларига кўра ташқи иқтисодий фаолият кенг маънога эга. Шу сабабадан, ташқи иқтисодий фаолият мавзусида илмий изланишлар олиб борган олимлар контингенти ҳам катта салмоққа эга. Жумладан:

1. Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик” доирасида хорижий олимлардан Е.Байдаулет, Р.Аренсон, Э.Аткинсон, Д.Арнер, Ўзбекистонликлардан А.Каримов, Р.Дўстмуродов, Б.Хамдамов, А.Пардаев, И.Очилов, К.Ахмаджонов, Ш.Азизов, С.Тошназаров, З.Пардаева, Н.Каримов, Б.Маматов;



2. Инвестицион фаолиятда - хорижликлардан Philip R Olds, Frances M. McNair, Bor-Yi Tsay, Ўзбекистонлик олимлардан А.Вахабов, С.Элмирзаев, Н.Қўзиева, О.Астанакулов, М.Рахимов, Н.Мавлонов, Н.Каландарова, Ш.Хажибаев, Н.Муминов, А.Азизов, О.Очилов;

3. Ташқи савдо фаолиятда - хорижий олимлардан K.R.Subramanyam, A.Sakalas, Thomas P Edmonds, Ўзбекистонликлардан А.Ваҳобов, М.Пардаев, А.Ибрагимов, З.Сагдиллаева, Ш.Шаякубов, Т.Шагиясов, Х.Асатуллаев, Н.Ишонқулов, С.Аъзам, Г.Таженова, М.Пулатова, А.Холикулов, Г.Жумаева, М.Имамова ва бошқалар илмий изланишларида тўхталиб ўтганлар.

Хусусан, ўзбек олимларидан А.В.Вахабов, С.Э.Элмирзаев, Ғ.А.Ибрагимов томонидан ташқи иқтисодий фаолиятнинг назарий жиҳатлари, фаолиятни ривожлантиришнинг маълум йўналишлари ўрганилган[2].

И.В.Аверчеев, Х.С.Асатуллаев, С.Н.Растворцева, В.В.Фаузер, В.Н.Задорожный, В.А.Залевский, Т.Г.Шешукова, О.А.Рыбалко, А.У.Хомидовнинг диссертация ва монографияларида ташқи иқтисодий фаолиятдан олинаётган молиявий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилди [3].

Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил соҳасида тадқиқот олиб борган олимлар А.Каримов, И.Очилов, З.Ғаниев, Ш.Эргашева, А.Ибрагимов, Н.Ризаев, И.Ибрагимова, Н.Каримов, А.Пардаев, Р.Дусмуратов, М.Пардаев, А.Холикулов, Г.Жумаева, К.Ахмаджонов, Б.Хамдамов, С.Ташназаров, М.Рахимов, Н.Мавлонов, Н.Каландарова, Н.Имамова ва бошқа олимларнинг илмий ишларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ёритилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолият ҳисобини ташкил қилишнинг маълум жиҳатлари ўз аксини топган [4].

Қайд этилганидек ташқи иқтисодий фаолият асосан йўналишлари доирасида ўрганилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида назарий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантикий фикрлаш, монографик кузатув, маълумотлар тадқиқоти усуллардан фойдаланган ҳолда биргаликдаги фаолият натижасига баҳо бериш методологияси ишлаб чиқилди.

Натижа ва муҳокама.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хўжалик юритувчи субъектни барқарор ривожланишига таъсирини баҳолашда кўрсаткичларни умумлаштирувчи индексга айлантириш қоидаларига биноан оғирлик вазин белгиланади. Таҳлил натижаларига биноан, “Халқаро ҳамкорлик” – 0,34, “Ташқи савдо” - 0,33, “Инвестицион фаолият” - 0,33 бирликдан оғирлик вазн ажратилиб, барча жиҳатларни тенг ҳисобга олинган.

Юқоридаги формулага биноан, ташқи иқтисодий фаолият йўналишларининг “O‘ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятини барқарор ривожланишга таъсири бўйича суб-индекс қуйидагича бўлади:

1. Халқаро ҳамкорлик бўйича;

$$S_{ih} = 16,7 * 0,34 + 16,3 * 0,34 + 15,7 * 0,34 = 16,6$$

2. Ташқи савдо фаолиятида;



$$S_{is} = 14,7 * 0,33 + 14,2 * 0,33 + 13,8 * 0,33 = 14,1$$

3. Инвестицион фаолият бўйича.

$$S_{ii} = 13,8 * 0,33 + 13,2 * 0,33 + 13,0 * 0,33 = 13,2$$

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятини барқарор ривожланишга таъсир кўрсаткичи (P_p) қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда гуруҳ кўрсаткичларининг ўртача оғирлиги сифатида ҳисобланади:

$$R_r = \sum S_i \times V_o$$

Бунда, S_i – ҳар бир I-гуруҳда “Халқаро ҳамкорлик”, “Ташқи савдо” ва “Инвестицион фаолият”)ги суб-индекс;

V_o – ҳар бир O-гуруҳда (“Халқаро ҳамкорлик”, “Ташқи савдо” ва “Инвестицион фаолият”)ги вазн оғирлиги коэффициенти.

$$R_r = 16,6 * 0,34 + 14,1 * 0,33 + 13,2 * 0,33 = 14,6$$

Якуний босқичда ташқи иқтисодий фаолиятнинг “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланишига таъсирини олинган индекс қийматига қараб рейтинг бериш, шунингдек олинган қийматларни таҳлил этиш, кўрсаткичларни бошқа ўхшаш компаниялар билан таққослаш мумкин бўлади.

2-жадвал.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишига таъсирини таҳлилида фойдаланиладиган кўрсаткичларга экспертлар баҳоси

Кўрсаткичлар	Экспертлар						Қўйилган баҳо йиғиндиси	Ўртача баҳо	Ўртача кўрсаткичдан фарқ (+;-)	Ўртача кўрсаткич квадрати
	№1	№2	№3	№4	№5	№6				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик										
1.1. Умумлаштирилган консолидация самарадорлиги	18	17	17	18	16	14	100	16,7	12,4	154,9
1.2. Биргаликдаги фаолиятда ҳиссалар самарадорлиги	17	17	17	18	15	14	98	16,3	10,4	109,1
1.3. Ҳақиқий қиймат бўйича консолидация самарадорлиги	16	13	17	17	16	15	94	15,7	6,4	41,5
2. Ташқи савдо фаолияти										
2.1. Экспорт муомалалари самараси	10	14	15	18	16	15	88	14,7	0,4	0,2
2.2. Импорт муомалаларини самарадорлиги	9	13	15	18	16	14	85	14,2	-2,6	6,5



1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2.3. Реэкспорт ва реимпорт самарадорлиги	8	14	15	17	15	14	83	13,8	-4,6	20,8
3. Инвестицион фаолият										
3.1. Капитал инвестициялар самарадорлиги	6	14	14	18	16	15	83	13,8	-4,6	20,8
3.2. Молиявий инвестициялар самарадорлиги	5	14	14	18	15	13	79	13,2	-8,6	73,2
3.3. Ижтимоий инвестициялар самарадорлиги	4	14	14	17	16	13	78	13	-9,6	91,3
Экспертларнинг компитентлик коэффиценти	0,122	0,165	0,175	0,2	0,177	0,160				
Кўрсаткичлар йиғиндиси										518,2

Хулоса.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор ривожланишига таъсири баҳолаш кўламига мувофиқ рейтингни белгилаш (3-жадвал)да квартал тақсимотига асосан тўрт гуруҳга тенг бўлиб ўрганилади.

3-жадвал.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг барқарор ривожланишга таъсири индексини таҳлили

Индекс мазмуни	Рейтинг	Мазмуни
0-0,25	Д	Барқарор ривожланиши учун фойдаланилмайди
0,25-0,50	С	Қисман компаниянинг барқарор ривожланиши учун фойдаланилади
0,50-0,75	Б	Ривожланиши учун актив фойдаланилади
0,75-1,0	А	Барқарор ривожланиш учун асосий омил сифатида қўлланилади

Таҳлил натижаларига биноан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг “O`ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI” акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланишига таъсири 0,14 бирликни ташкил этган. Бу кўрсаткич, акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланишида ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим ўрин тутишини билдиради.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги 77-II-сон Қонуни.
2. G'.Ibragimov, U.Yakubov. Tashqi iqtisodiy faoliyat tahlili. Toshkent “IQTISOD-MOLIYA”. 2014 y. 215 b.
3. X.Asatullayev, U.Yakubov. Milliy iqtisodiyot sub'ektlarining tashqi iqtisodiy faoliyat samaradorligini oshirish yo'llari. Toshkent “IQTISOD-MOLIYA”. 2020 y. 132 b.



4. Karimov A.A., Ochilov I.K., G'aniyev Z.U. Buxgalteriya hisobi. (Darslik). –T.: “Nihol print” OK, 2021. – 684 b.
5. Yakubov U.K. Modeling issues of marketing activity analysis in foreign economic activity// Actual tasks of the effective use of modern marketing concepts in the development of the national economy. – 2022/10/25. 648.
6. U.Yakubov. MODELING THE ANALYSIS OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY. Web of scientist: International scientific research journal ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 2, Feb., 2022.